

**Ўзбекистан Республикасы Илимлер Академиясы
Қарақалпақстан бөлиминин**

ХАБАРШЫСЫ

Журнал 1960-жылдан баслап шығып атыр

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Қорақалпоғистон бўлимининг**

АХБОРОТНОМАСИ

Журнал 1960 йилдан нашр қилинмоқда

ВЕСТНИК

**Каракалпакского отделения
Академии наук Республики Узбекистан
Журнал издается с 1960 года**

**№ 3
(264)**

Нукус - «Илим» - 2021

Учредитель и издатель: Каракалпакское отделение Академии наук Республики Узбекистан

Главный редактор академик **Н.К. АИМБЕТОВ**

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

АБДИНАЗИМОВ Ш.Н., доктор филологических наук; **АБДУЛЛАЕВ И.И.**, доктор биологических наук; **АИМБЕТОВ И.К.**, доктор технических наук; **АЛЬНИЯЗОВ А.И.**, доктор филологических наук; **БЕКБЕРГЕНОВА З.У.**, доктор филологических наук; **ЗАКИРОВ Б.С.**, доктор химических наук; **КАБУЛОВ М.К.**, доктор медицинских наук, профессор; **КАРЛЫБАЕВ М.**, кандидат исторических наук; **КУДАЙБЕРГЕНОВ К.К.**, доктор физико-математических наук; **МАМБЕТУЛЛАЕВА С.М.**, доктор биологических наук, профессор; **НАРЫМБЕТОВ Б.**, кандидат физико-математических наук (заместитель главного редактора); **НИЯЗИМБЕТОВ М.К.**, доктор философских наук; **РЕИМОВ А.М.**, доктор технических наук; **ТЛЕУМУРАТОВА Б.С.**, доктор физико-математических наук; **ТОЖИБАЕВ К.Ш.**, доктор биологических наук; **ТУРЕМУРАТОВ Ш.Н.**, доктор химических наук; **УТЕБАЕВ Д.**, доктор физико-математических наук; **УТЕПБЕРГЕНОВ М.А.**, доктор психологических наук; **ХОШНИЯЗОВ Ж.Х.**, доктор филологических наук; **ШАМШЕТОВ С.Н.**, доктор технических наук.

Адрес редакции: 230100, г. Нукус, проспект Бердаха, 41, тел.: **222-98-94.**

web-сайт <http://aknuk.uz/vestnik.html>

Зав. редакцией **А.М. Бекимбетов.**

Корректурa: **В. Султангулова, А.М. Бекимбетов.**

Компьютерная верстка: **В. Султангулова.**

Слано в набор 05.07.2021. Подписано к печати 23.08.21. Формат бумаги 60x84 $\frac{1}{8}$. Печ. л. 12.
Тираж 300 экз. Заказ 6. Цена договорная. Каракалпакское отделение Академии наук Республики Узбекистан. Регистрационный номер 01-040.

Отпечатано в отделе печати журнала «Вестник». Реестр №10-3560.

© **Вестник Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан**

Содержание

ЕСТЕСТВЕННЫЕ НАУКИ

Техника

- Ауезов О.П., Айтмуратов М.Т., Шарипов Р.В., Семченко А.В.** – Совершенствование приспособления для промывки системы питания двигателей внутреннего сгорания5
- Айтмуратов М.Т., Жумамуратов Д.К.** – Показатели работы чизель-культиватора с жестким и упругим креплением рабочих органов7
- Аимбетов И.К., Сапарниязов Б., Бекмуратова П., Аимбетова З.** – Инженерно-геологические исследования основания плотины № 1 Шорбулакского водохранилища 11
- Аимбетов И.К., Изимбетов Е.Т., Бекимбетов Р.Т.** – К вопросу исследования влияния канала Дослык и озера Ащиккуль на водно-солевой баланс грунтов города Нукуса 15

Химия и химическая технология

- Ерназаров У.К., Бауатдинов С., Нарымбетов Б.Ж., Бауатдинов Т.С.** – Фазовый состав глауконитсодержащей породы месторождения Крантау22
- Туремуратов Ш.Н., Избасканова Г.Е., Джуманазарова Г., Туремуратова А.** – Влияние гидротермальной обработки и минеральных наполнителей на физико-механические свойства известково-белитовых вяжущих систем27

Биоэкология и сельское хозяйство

- Орел М.М., Матжанова Х.К., Турманова О., Алламбергенова Р., Дильманова Н.** – Подбор деревьев и кустарников, устойчивых к почвенно-климатическим условиям Южного Приаралья для улучшения деградированных земель31
- Абдураимов О.С., Махмудов А.В., Аймуратов Р.П., Алламуратов А.Л., Саробаева Ш.У., Мавланов Б.Ж.** – Редкие виды диких родичей культурных растений Республики Узбекистан37
- Ишанкулова Д.У., Хайдаров Х.К., Турсунбоев Х.Е., Очилов У.А.** – Перспективные и экологически устойчивые виды древесных и кустарниковых растений в Узбекистане43
- Ибрагимова З.Ю., Бехмухамедов А.А., Давронов К.С., Тонких А.К., Баракаев М.Б.** – Влияние низкочастотного электромагнитного поля на урожайность хлопчатника в вегетационном периоде47
- Тлеумуратова Б.С., Нарымбетов Б.Ж.** – Конвективный вынос аэрозоля и его климатический форсинг54
- Тлеумуратова Б.С., Мамбетуллаева С.М., Уразымбетова Э.П., Утемуратова Г.Н., Олламбергенов Ф.Ф.** – Особенности моделирования динамики численности популяций в условиях Аральского кризиса59
- Кубланов Ж.Ж.** – Моделирование влияния выноса солей на соленость воды Аральского моря67
- Тошева Д.М., Поляруш С.В.** – Полиморф ДНК маркерлар тахлили72

ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ

Экономика

- Шакарров А.Б., Холбоев У.Х.** – Теоретические основы социальной инфраструктуры80
- Шакарров А.Б., Улашев Х.А.** – Свободные экономические зоны как фактор благоприятной бизнес-среды Республики Узбекистан82
- Quryozov D.I.** – Xorazm viloyatida sanoatning rivojlanishi ekologik va iqtisodiy imperativalarini tashkil etish usuli85

**История, философия, правоведение,
религия, социология и политология**

Нуржанов С.У. – Алляяр Досназаров в канун образования Каракалпакской автономной области.....	89
Таджиева Р.С. – Состояние сельского хозяйства Каракалпакстана в 1946-1985 годы	93
Сейдаметова Г.У. – Уровень жизни сельского населения Каракалпакстана в 1950-е годы.....	97
Давлетияров М.М. – Методологические аспекты изучения социальных институтов.....	101
Утепбергенова А.К. - К истории Каракалпакского радиотелевизионного передающего центра.....	106
Кудайбергенова Д.А. – Каракалпак хаял-қызлары тағыншақларының семантикалық әхмийети.....	109

Филология

Палымбетов К.С. – «Қоблан» дәстанында поэтикалық символлар.....	114
Хошаниязов Ж. - Профессор Қ.Айымбетовтың еске түсирулеринің илимий хәм әмелий әхмийети.....	118
Қалендерова А.М. — Хәзирги дәўирде балалар фольклорында Ярамазанның әхийети.....	124
Бекбергенова З.У. — Каракалпак жыраўларының изертлениў тарийхынан (1-мақала).....	126
Бекбергенова М.Д. – М.К.Нурмухамедов мийнетлеринде типология мәселелери	130
Матимов К.Г. – XX әсир каракалпак әдебиятында импровизация дәстүри (А.Мўсаев, Т.Жумамуратов, И.Юсупов дәретиўшилиги мысалында).....	133
Алламуратов Ғ.А. – Ш.Сейитовтың «Халқабат» тетралогиясында динамикалық портрет	138
Матёкубова Т.Р. - Адабий таъсир ва иждодий индивидуаллик	144
Камалова Д.Э. – Новеллада конфликт хәм драматизм (А.Султанов новеллалары мысалында).....	147
Мамбетназарова Р.К. – Художественные особенности произведений жанра путешествия в годы независимости.....	151
Даниярова Г.П. – И.Юсупов лирикасында «терек» концепти.....	154
Айымбетов М.Қ. – Каракалпак тил билиминиң қәлиплесиў тарийхы хақында.....	160
Қазымбетова З.М. - Ж.Избасқанов поэзиясында қаратпа ағзалардың стиллик қолланылыўы.....	163
Мамутова У.У. — Хәзирги каракалпак тилинде дәнекерсиз коспа гәплердиң изертлениў тарийхы.....	166
Жаримбетов Е.Қ. – Каракалпакстан Республикасының ғәрезсизликке шекемги күнделикли баспасөзинде әдебияттаныў темасының сәўлелениўи мәселелери («Еркин Қаракалпакстан» хәм «Қаракалпакстан жаслары» газеталары мысалында).....	170
Абдимуратов А., Палуанов Б. – Писательская публицистика в контексте актуальных вопросов общественной жизни народа.....	177

Педагогика и психология

Турумбетова З.Ю. – Ўзбекистон Олий таълим муассасаларининг халқаро хамкорлиги.....	181
---	-----

Сообщения

Рахимова Т., Рахимова Н.К. - Эколого-фитоценотическое состояние ценопопуляций <i>Salsola Chivensis</i> Popov и <i>Caragana Grandiflora</i> (Bieb.) DC. на плато Устюрт.....	186
--	-----

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Ўзбек ва қорақалпоқ халқи қадимдан тили, маданияти, яшаш тарзи, урф-одатлари жиҳатидан бир-бирига яқин бўлиб, бу халқлар ўртасидаги адабий таъсир ва алоқаларга ҳам муайян таъсирини кўрсатган. Айниқса, Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон таркибида бўлиши бу муносабатларни янада жиқлаштиради. Бу ҳудуддан етишиб чиққан кўплаб фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндлари жонажон мамлакатимиз таракқиётига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Республикаимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек: «Иброҳим Юсупов ва Тўлепберган Қайпбергенов, Жўлдосбек Қуттимуратов ва Қуватбой Абдураимов, Байрам Матчонов ва Замира Давлетмуратова, Турсинбой Ешжанов ва Саригул Баҳадирова, Вадим Ягодин каби фан ва маданият арбоблари нафақат қорақалпоқ халқининг балки бутун Ўзбекистонимизнинг фахру - ғуруридир» [1].

Ўзбек ижодкорларининг қорақалпоқ адабиётига таъсири ҳақида сўз кетганда академик шоир Ғафур Ғулом номини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Унинг асарлари мазмунига сингдирилган фалсафийлик, умуминсонийлик, бадий теранлик, санъаткорона поэтик талқинлар ва ўзига хос тасвир усули шоир ижодининг қардош халқлар қалбига тез етиб боришини таъминлаган. Шунинг учун ҳам қорақалпоқ халқи уни «ўзининг энг севимли шоирларидан бири» [6] деб билади. Ғафур Ғуломнинг қорақалпоқ шоирларига кўрсатган таъсири ҳақида адабиётшунос С.Мамажонов таъкидотларида эътиборга молик фикр-мулоҳазалар ифодаланган [3. 201]. Биз ушбу ўринда устоз адабиётшунос фикрларига қўшилган ва уни тақрорламаган ҳолда мазкур масалани Ғафур Ғулом ва қорақалпоқ шоири Ибройим Юсупов ижоди мисолида ўрганишга ва айрим кузатишларимизни ифодалашга ҳаракат қилдик.

Ибройим Юсупов учун Ғафур Ғулом ижоди маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилган. У таниқли шоир ижодига ғоятда ҳурмат билан қараган, ундан ўрнак олган, ижодий ўрганган. И.Юсупов даврнинг муҳим муаммоларини поэтик идрок этишда, инсонпарварлик туйғуларини ҳаётбахш руҳда акс эттиришда, ўз ғоявий-эстетик қарашларини янада бойитишда, бадий маҳорат сирларини пухта эгаллаб, ўз ижодий йўлига эга бўлишида Ғафур Ғулом ижодидан баҳраманд бўлган. Бунга шоир ижодидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Юмор, ҳазил-мутойибанинг Ғафур Ғулом

асарларидаги ўрни бекиёсдир. Адабиётшунос Озод Шарафиддинов Ғафур Ғулом асарлари мазмун-моҳиятига моҳирона сингдирилган юморни шоир табиатида хос жиҳатлардан излайди. У Ғафур Ғуломнинг воқеликка бўлган муносабатидаги кулгининг характери ва даражаси ҳақида тўхталиб: «Ўз халқининг юморини яхши билар ва яхши кўрарди, унинг ҳамма жилолари, замзамалари, мавжлари ва пўртаналари шоир табиатида сингиб кетган эди», - деб ёзади [7. 266].

Ибройим Юсупов сатира ва юморга муносабатда устоз санъаткорнинг ғоявий-эстетик йўналишига суянган. Ғафур Ғуломнинг «Кампиримнинг хийласи» [8. 43], Ибройим Юсуповнинг «Саллона-саллона борар бир жонон» [2. 30] номли шеърлари бунга мисол бўла олади. Иккала шеърни киёсий таҳлил этиш шуни кўрсатадики, Ибройим Юсупов Ғафур Ғулом ижодидан таъсирланиш билан бирга ижодий услубига хос жиҳатларни ҳам намоён этиб, ўзининг етук ижодкор эканлигини кўрсата олган.

Ғафур Ғуломнинг «Кампиримнинг хийласи» номли шеърида кекса бир тақводорнинг юмористик образи чизилади. Бошида салла, бир қўлида асо, иккинчи қўлида тасбеҳ ушлаб «дилда ҳақнинг зикрин айтиб» кўчага чиққан бу чолнинг ягона мақсади «бир сатанг хушҳолни» учратиш ва у билан кўнгилхушлик қилишдир. У бирдан «муродига етгандай» бўлади, севинчи ичига сиғмайди. Чунки:

Ногаҳон ўтди ликонглаб парда ичра бир пари,
Туртди-кетди ёнгинамда чимчилаб мен чолни.

«Их!» дедим, бир рамзи ишқи эрди бу
ночиз йўтал,
Қайрилиб бокди, бир алифдек қилди
қадим - долни [8. 43].

Ибройим Юсупов шеъри сюжети ҳам шунга яқин бўлиб, унда ёш бир йигитнинг саргузашти санъаткорона ёритилади. Кенг далада кетаётган йигитнинг кўзи ногаҳон бир қизга тушади. Қиз «чумоли мисоли нозик бел», қизил кўйлақда «ловвуллаб ёниб» бораётган, келишган, «келсанг кел» деган, «икки ўрим сочи тақим»ига етган тарзда таърифланади. Ҳар иккала шеърда бошланган енгил юмор тобора кучайтира борилади.

«Кампиримнинг хийласи»да чол ҳасса, тасбеҳ, чопонини қассобга бериб, «ширин забон, гунча даҳон жонон» ортидан йўрғалаб кетса, иккинчи шеърда йигит чакмон, попоғи, этиги, белбоғини ечиб ташлаб, «қуш бўлиб»

«сулук қиз» изидан учиши кулгили тарзда тасвирланади.

Ғафур Ғулом шеърида қария ва жонон эртага учрашишга келишиб хайрлашар экан, шеър сюжети кулгили ва драматик тарзда ечимини топади:

Эртанинг фикрин қилай деб, ховлига
келган эдим,
Кирмасимдан баччағар кампир йўғон
бир толни -
Келтириб бошимга урди, чикди кўзнинг
пахтаси,
Бешни урганда чиқарди, миядан
мисқолни....
Кўп ҳақоратлар қилурди мен ғарибу
лолни.
Кўчада кўрган ўшал нозик бадан билсам
кейин,
Кампирим эрмиш, синармиш мен қари
дажжолни.

Ибройим Юсупов шеърида ҳам лирик қаҳрамон тушган аҳвол кулгили тарзда якун топади:

«Тўхта бўтақўз» деб ҳайқириб бориб,
Қизнинг майингина қўлини олди,
Йигит бояқишнинг юзи оқариб
Лаб тишлаб, хайратдан анграйиб қолди.
Азондан кечгача кувган «жонони»
Чўтир ҳам шилпик кўз бир аёл экан.
Йигит кўнглин тирнаб ҳижил-армони,
«Алдамчи дунё!» деб йиғлаган экан
[2, 30].

Иккала шеърнинг ҳам юмористик объекти ахлоқий нопок кишилар бўлиб, маънавий тубан бу кимсаларнинг мушкул ҳамда кулгили ҳолга тушиб қолишлари шоирлар томонидан ўзига хос услубда акс эттирилган. Шоирлар турли ўхшатиш ва қиёслар орқали характерларнинг ботиний ва зоҳирий жиҳатларини юмористик тарзда тасвирлайдилар. Ғафур Ғулом «аста-аста лаб ялаб», «саъри кавшим тесқари кийдим», «орқасидан йўрта қолдим», «ялай деб болни», «ичбиқинга қўл юбориб», «лаб қочиб кетди кулоққа» каби ўхшатиш ва ифодалар воситасида лирик қаҳрамоннинг характерли жиҳатларини жонлантиради.

«Дарёдай тошиб», «ўзин Бердақ сезар, ўзин хон сезар», «қўли етардек ойга», «ўлжа кўрган сордай», «оч назари билан боқар», «този бўлиб ўқдай учадир» каби Ибройим Юсупов қўллаган тасвирий ифода ва воситалар йигитнинг ички ва ташқи оламини жилолантиришга хизмат қилади. Шеър ғоявий мазмунини бадий ифодалашда иккала шоирда ўзаро яқинлик билан бирга ўзига хослик ҳам кўзга ташланади. Бу аввало шеърларнинг шаклида кузатилиб, Ғафур Ғулом ўз ғоявий ниятини арузда ифода этса, Ибройим Юсупов бармоқ вазни имкониётларидан маҳорат билан фойдаланган.

Ҳар иккала шоирнинг ифода усули ҳам ўзига хос бўлиб, Ғафур Ғулом шеърида воқеа қаҳрамон тилидан баён этилади. И.Юсуповда

эса воқеа муаллиф тилидан келтирилади. Лирик қаҳрамон ташқи қиёфасини чизишда ҳам ҳар бир шоир ўз қаҳрамони яшаш шароити, ёшини назардан қочирмайди. Ғафур Ғулом қаҳрамони оёғида саъри кавиш, бошида салла, эғнида чопон, бир қўлида асо, яна бирида тасбеҳ ушлаган «диндор» қиёфасида гавдалантирилса, иккинчи шеърдаги қаҳрамон ёш, навқирон, эғнида чакмон, бошида попок, белида белбоғ, пичоқ бор ёш йигит. Унинг ташқи кўринишидан қорақалпоқ миллатига мансублиги ёрқин намоён бўлади.

Кўринадики, юмористик образни таъсирчан ва ёрқин ифодалашда И.Юсупов устоз санъаткор меросидан ижодий фойдаланган ҳолда ўзининг новатор шоир эканини намоён эта олган.

Устоз шоир Ғ.Ғулом ва И.Юсупов ижодидаги ҳамоҳанглик яна кўплаб шеърларида кузатилади. Қорақалпоқ шоири ватан мавзуси талқинида ҳам улуғ ўзбек шоиридан таъсирланган. Улар ижодида ватанимизнинг кўрки жамоли, фусункорлиги, чексиз гўзаллиги юксак ватанпарварлик билан тараннум этилган. Айниқса, уруш мавзуси билан боғлиқ ўринларда ўз юртига, халқига бўлган самимий муҳаббат душманга чексиз нафрат ватанпарварлик билан акс эттирилган. Ибройим Юсуповнинг «Булбул уяси» [2.92] номли достонидаги «Бу юртга муҳаббат, душманга нафрат», «Уруш ғам солмаган бир хонадон йўк», «Бу уруш аталган тенгсиз офатга, нафрат ўқиб ўтган инсон виждони» каби қатор байт ва мисраларида Ғафур Ғуломнинг «Кузатиш», «Соғиниш», «Халқ отланди», «Сен егим эмассан» сингари шеърлари ғоясига яқинлик кузатилади. Шоирнинг ушбу шеърлари академик Б.Назаровнинг «Ғафур Ғулом олами» [5. 35-46], адабиётшунос Т.Матёкубованинг «Ғафур Ғулом бадиияти» [4. 96-103] номли монографияларида муайян даражада таҳлил этилган.

Бадий асар тўқимасидаги композицион воситалардан бири бўлган лирик чекиниш Ғафур Ғулом ижодида кенг қўлланилиб, уларда шоир ўзининг болалик йилларини тез-тез эсга олади. Шоирнинг «Сен егим эмассан», «Ўзбекистон» шеърларидаги сингари И. Юсупов ҳам «Булбул уяси» достонида болалик ва ёшлик йиллари билан боғлиқ лирик чекинишлар қилади. Ибройим Юсупов яна кўплаб ўринларда Ғафур Ғулом ижодидан илҳомланганки, буларнинг барчасини бир иш доирасида тадқиқ этиш имконига эга эмасмиз. Биз мазкур ўринда адабий таъсир ва ўзига хосликнинг айрим жиҳатларини шоирларнинг юқоридаги шеърлари мисолида кузатиб, умумлашмаларимизни баён этиш билан чекландик.

Умуман, И.Юсуповнинг етук шоир сифатидги ижодий индивидуаллигини инкор этмаган ҳолда айтиш мумкинки, унинг ғоявий

бадий баркамол асарлар яратиб, эл назарига тушишида Ғафур Ғулом ижодий меросидан бахрамандлик ҳам ўзига хос мактаб ролини ўтаган. Унинг асарлари моҳиятига сингдирилган юмор ва ҳазил-мутуйибага мойиллик, чексиз ватанпарварлик туйғулари ифодасида Ғ.Ғулом билан муайян муштаракликлар кузатилади. Шоир Ғ.Ғулом

ижодидан таъсирланиш билан бир қаторда ўз услуги ва маҳоратига эга эканлигини ҳам намоён эта олган. Шунинг учун ҳам унинг асарлари бугунги кун кишии қалбида нафосат ва гўзалликка шайдолик туйғуларини камол топтиришда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. //Аму тонги. 1999, 4-декабр.
2. Ибройим Юсупов. Қоратол. – Тошкент: Адабиёт ва санъат.1988. – 125 б.
3. Мамажонов С. Услуб жилolari. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – 219 б.
4. Матёқубова Т. Ғафур Ғулом бадиияти. – Тошкент: Фан ва технология, 2006. –160 б.
5. Назаров Б. Ғафур Ғулом олами. – Тошкент: Фан, 2004. – 180 б.
6. Юсупов И. Озод Шарқнинг оқсоқол шоири // Эмиўдарья, 1963, №5.
7. Шарафиддинов О. Иждони англаш бахти. Тошкент: Шарқ, 2004. – 640 б.
8. Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.1. – Тошкент: Фан, 1983. – 326 б.
9. Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.2. – Тошкент: Фан, 1984. – 430 б.
10. Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик. Т.3. – Тошкент: Фан, 1984 – 427 б.

Адабий таъсир ва ижодий индивидуаллик Матёқубова Т.Р.

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Ушбу мақолада адабий таъсир ва ижодий ўзига хослик масаласи ўзбек шоири Ғафур Ғулом ва қорақалпоқ шоири Ибройим Юсупов шеърлари мисолида ўрганилади. Унда Ибройим Юсупов учун Ғафур Ғулом ижоди маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилгани, шоир ундан ижодий таъсирлангани таҳлил этилади. Юмор, ҳазил-мутуйибанинг Ғафур Ғулом асарларида тутган ўрни бекиёс бўлиб, мазкур мақолада Ибройим Юсупов сатира ва юморга муносабатда устоз санъаткорнинг ғоявий-эстетик йўналишига суянгани тадқиқ этилади. Тадқиқотчи Ғафур Ғуломнинг «Кампиримнинг хийласи» Ибройим Юсуповнинг «Саллона-саллона борар бир жонон» ва бошқа шеърларини ўрганиб, ҳар иккала иждоқорнинг юмористик образ яратиш маҳоратини кузатади. Улар асарларини қиёсий ўрганиш орқали Ибройим Юсупов Ғафур Ғулом ижодидан таъсирланиш билан бирга ўзининг етук иждоқор эканлигини ҳам намоён эта олгани асослаб берилади. Тадқиқотчи Иброҳим Юсупов шеърларида ифодаланган юксак ватанпарварлик туйғуларини Ғ.Ғулом шеърлари билан қиёсан таҳлил этади. Муаллиф ушбу мақолада таниқли қорақалпоқ шоири И.Юсупов ўз услуги ва маҳоратига эга иждоқор бўлиб, у яратган битиклар бугунги кун учун ҳам катта аҳамиятга эгадир, деган хулосага келади.

Литературное влияние и творческая индивидуальность Матёқубова Т.Р.

Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы

В статье исследуется вопрос о литературном влиянии и творческой самобытности стихов узбекского поэта Гафура Гулама и каракалпакского поэта Ибрагима Юсупова. Анализируется, что Гафур Гулам служил школой творчества Ибрагима Юсупова, и что на поэта он оказал творческое влияние. Роль юмора в творчестве Гафура Гулама уникальна, в данной статье исследуется опора Ибрагима Юсупова на идеологическое и эстетическое направление творчества мастера по отношению к сатире и юмору. Исследователь исследует «Уловку моей старухи» Гафура Гулама, «Саллона-саллона борар бир джонон» Ибрагима Юсупова и другие стихотворения, отмечает мастерство обоих художников в создании юмористического образа. Путем сравнительного изучения их работ утверждается, что Ибрагим Юсупов находился под влиянием творчества Гафура Гулама и смог показать, что он был зрелым художником. Исследователь Ибрагим Юсупов сравнивает высокие чувства патриотизма, выраженные в его стихах со стихами Г. Гулама. В статье автор приходит к выводу, что известный каракалпакский поэт И.Юсупов - творец со своим стилем и мастерством, созданные им произведения по-прежнему имеют большое значение.

Literary influence and creative personality Matyakubova T.R.

Tashkent State University of Uzbek Language and Literature

The article examines the issue of the literary influence and creative originality of the poems of the Uzbek poet Ghafur Ghulom and the Karakalpak poet Ibraim Yusupov. It is analyzed that Ghafur Ghulam served as the school of creativity of Ibraim Yusupov, and that he had a creative influence on the poet. The role of humor in the work of Ghafur Ghulam is unique, and this article explores Ibraim Yusupov's reliance on the ideological and aesthetic direction of the master's work in relation to satire and humor. The researcher examines "The Trick of my old woman" by Ghafur Ghulam, "Sallona-Sallona borar bir jonon" by Ibraim Yusupov and other poems, notes the skill of both artists in creating a humorous image. Through a comparative study of their works, it is argued that Ibraim Yusupov was influenced by the work of Ghafur Ghulam and was able to show that he was a mature artist. The researcher Ibraim Yusupov compares the high feelings of patriotism expressed in his poems with those of G. Ghulom. In this article, the author comes to the conclusion that the famous Karakalpak poet I. Yusupov is a creator with his own style and skill, and the works created by him are still of great importance.